БАҲС

*Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ*

# СИРЛАРИ КЎПУ САБОҚЛАРИЧИ?

Яқинда адабиётшунос Усмон Қосимовнинг «Ёзувчининг сирлари» номли китоби нашрдан чиқарди. Унда қандай сирлар кашф этилган, ўқувчи қандай асрорлардан хабардор буларкан, дея уни варақлайман. Асар номига қўшимча тарзда «Абдулла Қаҳҳор сабоқлари» деган изоҳ берилган. Атоқли адибнинг улуғ номи тилга олинар экан, унинг маҳоратига қизиқмайдиган одам топилмаса керак, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, қизиқишим ортиб, пировардида қандай сабоқ оларканман, деган мақсадда қуйидагиларни ўқийман: «Адабиётшунос Усмон Қосимовнинг мазкур китоби атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор ижодининг нисбатан кам ўрганилган соҳаси — адабий-танқидий меросини тадқиқ этишга бағишланган... Китобда Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий маҳорат, шакл ва мазмун муносабати, шунингдек, адабий таъсир ва тил муаммолари ҳақидаги қанотлари (!) кенг ёритилган».

Абдулла Қаҳҳорнинг... қанотлари? Негадир ёзувчи номига «қанотлар» қовушиб, ёзувчининг адабий-танқидий мероси ёки ижодининг муҳим жиҳатини кўрсатмаётгандек туюлди-ю бироқ гап шу ғализликдами, деймандa, яна китобга «шўнғийман»: «ХХ аср ўзбек адабиётини Абдулла Қаҳҳор ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Янги давр ўзбек насри ва айниқса, ҳикоячилигининг шаклланиш босқичлари буюк Қаҳҳор номи билан боғлиқдир».

Жуда тўғри! Бироқ бунинг нимаси сир? Ҳаммага аллақачон маълум бўлган гаплар-ку! «Унинг «Сароб» романи — романчилигимизда олдинга ташланган бир қадам бўлса, «Синчалак» қиссаси маҳорат жиҳатдан олди (?) повестларимиздан биридир. «Ўтмишдан эртаклар»и эса адабиётимизда янги саҳифа...», деб ёзади У. Қосимов. Муаллиф ўз олдига Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий асарларинимас, балки адабий-танқидий меросини тадқиқ этишни асосий вазифа қилиб қўяди-ю бироқ негадир адиб ижодига ўта умумий баҳолар беришга киришиб кетади. Хуллас, У. Қосимов Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий меросида очилмаган қандай сирлар борлигини кўрсатиб, адабиёт мухлисларини хушнуд этиш тўғрисида бош қотириш ўрнига, ёзувчи ижодининг 1923-1924 йиллардан бошланганини қайд қилиб, «Ҳозирги сатирамиз устида», «Кулгичилик баҳслари» мақолалари ўша пайтларда ёзилганини таъкидлайди, холос.

Табиийки, таъкидлашнинг ўзи ёмон эмас, лекин мен ўша мақолаларда қандай сирлар мавжудлигига қизиқаман, уларда ўзим билмаган, сезмаган қандай муҳим фикрлар, ҳукм-хулосалар яширинганини англашга муштоқман. Ахир, муаллиф шуларни англатишга ваъда берган эди-ку?! Китобни қўлга олган ўқувчи Абдулла Қаҳҳор қайси адабий-танқидий жанрларни ўзлаштириб, уларнинг қайси бирларида қандай мўъжизалар яратганини, бадиий ижоднинг қандай жумбоқларини ечганини билишга ҳақли-ку!?

Афсуски, бу саволларга жавоб бериш ўрнига муаллиф Абдулла Қаҳҳор ижодини кимлар, қачон, қандай тадқиқ этгани, бу борада, айниқса, М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов самарали ишлаганликларини батафсил тавсифлаб, таърифлайди.

Китобнинг «Серқирра ижод» деб номланган биринчи бобида Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий меросини ўрганишга доир тадқиқу таҳлилига дуч келмаймиз. Иккинчи боб «Ғоявий ақидалар» деб номланган. «Ғоявий ақидалар»нинг адабиётшунослик, адабий танқид, қолаверса, А. Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолиятига қандай алоқаси бор? Ахир, «ақида» дегани «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «кўр-кўрона ишонишга, эътиқодга асосланган далилсиз ва исботсиз қоида, догма» деб таърифланган-ку! Шундай экан, бу ҳаққоний таъриф ёзувчининг қайси адабий танқидий мақоласи ё нутқида қандай мазмунда намоён бўлган ёки рад қилинган? У. Қосимов бу савол устида бош қотирмаганга ўхшайди. Ҳатто, у ғоявийликнинг илмий-танқидий, адабий-бадиий, эстетик тафаккурда қандай ўрин тутгани, қандай фойда ёки зарар келтиргани ва бунга адиб қандай муносабатда бўлганига ҳам эътибор бермайди. «Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-эстетик қарашлари силсиласида унинг «Сароб»романи ҳам алоҳида ўрин тутади»,— деб ёзади муаллиф ва мазкур асарнинг «Мартин Иден», «Гений» каби асарларга яқин туриши ҳақида сўзлаб, Саидий, Эҳсон, Кенжа каби қаҳрамонларнинг бадиий ижод, шеъриятни қандай талқин этиши, баҳслашишига доир батафсил мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Бу мулоҳазалар китобнинг иккинчи боби мазмунини қамраб олади. «Маҳорат сирлари» деб номланган учинчи бобда: «Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий қарашлари силсиласидаги олтин ҳалқалардан бири — шубҳасиз, унинг бадиий маҳорат бобидаги фикр ва мулоҳазаларидир», деб ёзади У. Қосимов ва ёзувчининг 1965 йил насрига бағишланган мақоласидан шундай парча келтиради: «Бадиий маҳорат чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгули ёки қайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир».

Бу фикр, умуман олганда, тўғри, бироқ бугунги кун нуқтаи назаридан аниқлик киритишга, чуқурлаштириш, ривожлантиришга муҳтож эмасми?

Табиийки, Абдулла Қаҳҳордай зиддиятли даврда ижод қилган ёзувчининг бадиий маҳорат ҳақидаги ҳукмига ҳам, мазкур ҳукм билан бир қанча кузатишлари, мулоҳазаларини ўз ичига олган мақоласига жиддий эътибор бериб, таҳлилдан ўтказиш, уз муносабатини аниқ намоён қилиш муаллифдан талаб этилади. Қизиғи шундаки, китобда ўнлаб мақолалар, нутқлар, адиб ён дафтаридаги ёзувларга мурожаат этилиб, улардан кўчирмалар келтирилади, бироқ бирортасининг асл моҳияти ёритилмайди.

Албатта, ёзувчининг адабий-танқидий мероси билан адабиётшунос олим, адабий танқидчи, мунаққиднинг мақолалари, тақризлари, ҳукм-хулосаларига бир хил талабдан келиб чиқиб ёндошиб бўлмайди. Ахир, адабиётшунос олимлар, мунаққидлар шундай адабий-танқидий мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар яратиши керакки, улар ҳам ўзига хос санъатнинг, ҳам теран илмнинг натижалари бўлиб юзага чиқсин!

Хўш, ана шундай руҳ, асл моҳият намоён бўлишини ёзувчиларнинг, айтайлик, Толстой, Чингиз Айтматов ёки Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий мақолалари, мулоҳазалари, нутқларидан талаб қилишга ҳақлимизми? Табиийки, ҳақли эмасмиз. Негаки, улар бадиий ижод, адабий жараён, ўз ҳамкасабалари — ёзувчиларнинг асарлари, ижодий фаолиятини бевосита таҳлилу тадқиқ этмайди. Зотан, бу юқорида таъкидлаганимиздек, адабиётшунос олимлар, адабий танқидчиларнинг иши. Ёзувчилар эса бадиий ижод қонуниятларига, муайян асарлар яратишга боғлиқ умумий назарий, амалий кузатишлари, фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаб, сўз санъатининг сирлари-ю сеҳри, жозибаси, тараққиёт йўлларига оид муҳим жиҳатлар, хусусиятларни ёритадилар. Абдулла Қаҳҳор ҳам шу вазифани бажаргани аниқ, аммо қандай бажариб, нималарга ўргатган? Айни шу саволга «Ёзувчининг сирлари»даги дастлабки уч бобдан жавоб топа олмадим. Китобдаги «Ёзувчи шахси», «Сўз заргари», «Қаҳҳорнинг қўйин дафтари», «Тил ҳақида тағин бир сўз», «Қаҳҳор — бизнинг устозимиз», «Исмда гап кўп» каби бобларни ҳам ўқиб чиқдиму бироқ таажжубланишдан бошқа кайфият туғилмади. Чунки китобда Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий ижод, ижодий жараён, ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш муаммоларини ёритиш жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган бир ёки икки-уч мақоласи атрофлича таҳлил қилинмаган. Бунинг ўрнига асосий диққат ёзувчининг бадиий тил маҳоратига қаратилиб, бир қанча асарлари, мақолалари, ён дафтарларидан келтирилган кўчирмалар умумий тарзда шарҳланади. Бу шарҳлар кўп жиҳатдан тўғри, ишонарли, бироқ бевосита таҳлилу тадқиқнинг ўрнини боса олмайди. Боса олмаслиги билан чекланмасдан хилма-хил англашилмовчиликлар, ғайритабиий сирлар, жумбоқларни келтириб чиқарадики, бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги кўчирмани кўздан кечирмайлик: «Олим Отахоновнинг Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳақида «Ёш куч» журналида (1989, 1-сон) масъулиятсизлик билан билдирган мулоҳазалари адабиёт ихлосмандларини ранжитиб, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди». Майли, шундай бўлсин дейлик, аммо қайси мулоҳазалар, нима учун, қандай асосларга кўра масъулиятсизлик оқибати, деб баҳоланаётир? Қайси асар хусусида билдирилган қандай мулоҳазалар нима учун раддияга сабаб бўлди? Қуйидаги парчани ўқиганда ҳам шундай саволларнинг туғилиши муқаррар: «А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси тили ҳақида тўхталган эканмиз, мунаққид Анвар Жабборовнинг мазкур қиссага бағишланган «Ўз даврининг машҳур асари»номли мақоласи бизни ғоятда таажжублантирганини ҳам айтмасдан ўтолмаймиз. Мақола муаллифи «Синчалак» қиссасидаги деярли барча хотин-қизларнинг тили индивидуаллашмаган, демак, ҳаётий эмас, деб хулоса чиқаради». Бир лаҳза Усмон Қосимов ҳақ, Анвар Жабборов ноҳақ, деб тасаввур қилайлик, бироқ бу тасавур ҳаққоний эканлигини исботлаш керак-ку?! Қизиғи, «Ёзувчининг сирлари» муаллифи бу ҳақда сўз очиб, қуйидаги изоҳни ҳавола қилади: «Биз далил тариқасида оддий китобхонларга ҳам яхши таниш бўлган кўплаб мисолларни такрорлаб ўтирмаймиз. Бунинг учун қиссадан юзлаб саҳифаларни кўчиришга тўғри келар эди». Нега энди юзлаб саҳифаларни кўчириш зарур экан? Улардан бир-икки мисол келтириб, таҳлилу тадқиқдан ўтказиш билан даъвони далиллаш мумкин-ку!

Афсуски, «Ёзувчининг сирлари» билан танишганингизда тез-тез ана шундай саволлар, жумбоқлар, сирларга дуч келасиз ва улар кўпинча очилмасдан қолаверади.

Хўш, нима бўлибди, Усмон Қосимов онда-сонда кўриниб турадиган адабиётшунослардан бўлса, ижодий жараён, адабий танқидчиликдаги «об-ҳаво»ни белгиламайди-ку унинг ёзганлари!? Қолаверса, «Ёзувчининг сирлари» да айрим адабий-бадиий ҳодисалар, хусусан, бадиий тил тўғрисида бир қанча қимматли фикрлар ҳам ўртага ташланган-ку?! Бироқ бу даъволарнинг муайян асослари, сабаблари йўқ, дея олмайман. Уларнинг тагида яширинган сирлар эса соц. реализм, собиқ совет даври-ўзбек адабиёти тарихи билан ҳозирги адабий ҳаёт муаммоларига бағишланган баҳсда жуда яққол кўринмоқда. Бунинг, чунончи, Ҳ. Абдусаматовнинг «Янги ҳаёт, янги адабиёт» («ЎзАС» 1966 йил, 13 март) мақоласида ифодаланганини ёш танқидчи Раҳимжон Раҳмат жуда яхши илғаган («ЎзАС», 1996 йил, 12 апрел): «... биз билган соц. реализм собиқ империя фойдасига фикр юритишга одатлантирадиган сохта метод экан». Нима учун? «Чунки, — деб ёзади Р. Раҳмат,— соц. реализм бадиий ҳақиқатни кўнгилдан эмас, шахснинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашидан қидиради. Агар ижодкорнинг дарди ҳоким ақидага тўғри келмаса, соц. реализм ўлчовига кўра ижодкор қалбидан, кўнгил розидан юз ўгиришга мажбур. Кўнгилсиз инсон — ижодкорми?»

Афсуски, совет ҳокимияти даврида нафақат кўнгли, бутун тану жони, виждонини компартияга ҳадя қилган ҳолда қалам тебратганларидан ғурурланиб ҳайқирган ижодкорлар бор эди. Хусусан, уларнинг сафига «Тинч Дон»дай соц. реализмга зид келган, шунинг учун халқаро Нобел мукофоти билан тақдирланган асарни яратган Михаил Шолохов ҳам қўшилди. У, биз совет ёзувчиларини партия буйруғига асосан қалам тебратали, деб айблашади, йўқ, мен бундай буйруқ асосидамас, балки қалб буйруғи билан ёзаман, қалбим эса партияникидир, деб бонг ургани катта шов-шувларга сабабчи бўлганди...

Аллақачон фақат тарих саҳифаларига кўчиб, Истиқлолимиз шарофати билан негизидан ажралган ўша «шов-шув»ларни қайтадан «тирилтириш» кайфияти Ҳ.Абдусаматовнинг юқорида тилга олинган мақоласида сезилади: «Ҳақиқий талант эгалари соц. реализмнинг ижобий (!?) тамойилларидан моҳирлик билан фойдаланиб, заиф, нуқсонли жиҳатларини четлаб ўтиб, даврнинг ҳукмрон мафкураси тазйиқидан баланд (?!) туриб, ўзларининг баркамол бадиий асарларида ҳақиқатга содиқ қолиб ижод этишган».

Ўша соц. реализмнинг ижобий тамойиллари қани? Уларнинг яхшилиги, ҳаққонийлиги нималардан иборат? Заиф, нуқсонли жиҳатлари-чи? Ёзувчиларимиздан кимлар, қайси асарларида, қачон, қай тарзда уларни четлаб ўтибди-ю ҳукмрон мафкура тазйиқидан баландда (!) турганлиги учун қандай баркамол асарлар яратибди?

Буларнинг ҳаммаси жумбоқ. Яна бир мисолга диққат қилайлик: «... Уйғун ва Яшинлар адабиётда нима қилиб қўйишибди, улар мадҳиябозликдан юқори кўтарила олмаганлар», деганлар учраб турибди. Бундай фикрларга асло қўшилиб бўлмайди»,— деб ёзади Ҳ. Абдусаматов. Марҳамат, қўшилманг, аммо буни рад этиб бўлмайдиган аниқ, ҳаққоний далиллар билан кўрсатинг, дейишга ҳақлимиз. «Соц. реализмга коммунистик мафкура ва партиявийлик ёпиштирилиб, унинг ғоявий йўналишига катта зарар етказилди»,— дейди яна Ҳ. Абдусаматов. Ахир, коммунистик партиявийлик, синфийлик соц. реализмнинг таркибий қисми эмасми? Унинг ғоявий йўналишига қачон, қаерда, кимлар қандай зарар етказибди? Бу саволлар ҳам жавобсиз қолдирилган. Бундай ҳолат Умарали Норматовнинг «Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар» (ЎзАС», 1955 йил, 3 ноябр) мақоласида ҳам учрайди: «Ҳар қандай ижобий методда бўлгани каби бу йўналишга мансуб асарлар орасида ҳам кучли ва заифлари бор. Бироқ хорижда соц. реализм миллий адабиёт ва санъат ривожига катта кулфат келтирганини кўрган, эшитган эмасмиз... Бинобарин, соц. реализм кўплаб ижодий методлар қатори яшашга ҳақли».

Хўш, соц. реализм қандай натижаларга олиб келди? Қайси бир миллий адабиётни ёки жаҳон адабиётини бойитадиган кашфиётлар яратилишини таъминлади? Соц. реализм талаблари, қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ёзилган қайси қаламкашларнинг асарлари қачон халқнинг меҳру муҳаббатини қозонди? Негадир У. Норматов бу ҳақда мулоҳаза юритиш ўрнига «хорижда соц. реализм миллий адабиёт ва санъат ривожига катта кулфат келтирганини кўрган, эшитган эмасмиз», деб ёзадию соц. реализм фақат собиқ совет иттифоқида кашф қилингани, ривожлантирилгани хусусида лом-лим демайди. Яна қандай ривожлантирилди денг? Мажбуран, зўрлик, зўравонлик билан! Мажбурлаш, зўрлаш, ҳукму буйруқлар билан бадиий ижод, санъат чинакамига равнақ топмайди-ку?! Агар равнақ топса, нега «Она», «Очилган қўриқ», «Пўлат қандай тобланди» ёки ўзимизнинг «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» каби соц. реализм кашфиётлари сифатида кўкларга кўтариб мақталган асарлар жаҳон халқлари тугул собиқ советлар мамлакатлари аҳолисининг меҳру муҳаббатига сазовор бўла олмади? Айни шу метод Бунин, Булгаков, Пастернак, Ахматова, ўзимизнинг Қодирий, Чўлпону Фитрат каби ҳақиқий ўнлаб, юзлаб сўз санъаткорларининг жувонмарг қилиниши учун шафқатсиз қурол, восита вазифасини бажарди-ку?!

Йўқ, собиқ совет даври ўзбек адабиёти тарихи саҳифаларини бошдан оёқ қора бўёқларга бўяб ташлаш тарафдори эмасман. Негаки, айрим ҳақиқий истеъдод эгалари ҳар қандай тазйиқу қатағонларга қарамасдан ҳаёт, замон, тарих ҳақиқатларини ёритган анча етук асарлар яратганини инкор қилиш ноҳақлик бўлур эди. Лекин эришилган ўша ютуқлар соц. реализм шарофати эмас. Аксинча, унга қарши зимдан яширинча курашда (очиқ, ошкора курашишга асло йўл қўйилган эмас!) туғилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Демак, соц. реализмнинг ҳаётбахш ижобий хусусиятлари, зўр фазилатлари ҳақида сўзлаб, уни оқлашга уриниш муваффақиятсизликка маҳкумдир. Тўғри, ҳаёт, адабиёт қаҳрамонларида, улуғ ижодкору буюк олимларда қандайдир сирлар, жумбоқлар бор, бўлади. Келажакда ҳам йўқолмайди. Улардан айримлари илоҳий бўлиб, яратганнинг ўзигагина аёндир. Бандалари бундан ҳеч қачон огоҳ бўлмайди, бўла олмайди. Лекин шундайлари мавжудки, уларни таҳлилу тадқиқ этиб, эл-юрт, фуқаролар маънавий равнақи учун руҳий озуқа, унутилмас сабоқ сифатида тақдим этиш мумкин ва зарур.

# ФИТРАТНИНГ НОМАЪЛУМ МАКТУБИ

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

Истанбулдаги тўрт йиллик таҳсил (1910 — 1914) Абдурауф Фитрат учун энг сермаҳсул ижод даври бўлган. Таассуфки, биз Фитратнинг ватандошлари бу давр ҳақида адибнинг Истанбулдаги дорилфунунда ўқиганию «Сайҳа», «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи» каби асарларини ўзи ҳисобидан нашр этганинигина биламиз, холос. Хорижий манбааларда эса унинг Вайзин мадрасасида маърузалар ўқигани, турк илм ўчоғининг энг нуфузли нашрлари ва улуғ турк адиблари билан ҳамкорликда бўлганига доир маълумотларга дуч келамиз.

Фитратнинг қуйида нашрга тавсия этаётганимиз очиқ мактуби эълон қилинган «Таърифи муслимин» («Мусулмонлар таърифи») номли «диний, сиёсий, тарихий, фалсафий ва олам аҳволидан хабардор қилувчи ҳафталик мажалла» барча мусулмон мамлакатларига тарқатилгани учун асосан ўрта турк тилида нашр этилган бўлса ҳам, айрим мақолалар араб ва форс тилларида ҳам берилган. Бу мўътабар нашрнинг ноширлари Аҳмад Тожидин ва Яъқуб Камол исмли тараққийпарвар уламолар бўлиб, улар ўз мажалласининг 1328 (1910) йил, 25 адад (сони)нинг 2-жилдида (8 декабр сони) Фитрат мактубини форс тилида чоп қилишни лозим кўрганлар.

Фитратнинг очиқ мактуби Амир Олимхон Бухоро тахтига ўтиргандан сўнг бир қанча ўзгаришлар қилишга ваъда бериб, бош вазир (вазоратпаноҳ) лавозимига Насруллоҳ Парвоначини тайинлаши муносабати билан ёзилган. Унинг мазмунидан англашилишича, усули жадид мактабларининг ҳимоясига ва ватан тараққиётининг турли жабҳаларида ислоҳчилик қарашларининг ифодачиси сифатида ёзилган илк насрий асарларига ҳамоҳангдир. Ўзбек фитратшунослигига номаълум бу мактубни бизга лутфан тақдим этган Токио университетининг профессори, доктор Хисао Кўматсу жанобларига миннатдорчилик билдирамиз.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

*ФИТРАТ*

# БУХОРО ВАЗИРИ НАСРУЛЛОҲБЕЙ ПАРВОНАЧИ АФАНДИ ҲАЗРАТЛАРИНА ОЧИҚ МАКТУБ

## Эй Вазоратпаноҳ, биз тартиботи жадидага муҳтожмиз

.Аниқдирки, ҳеч қайси миллат ҳеч бир замонда бизда бўлганидек юрти хароблик, халқи фалокат, аёнлари пасткашлик, идора аҳли фасод, золимларнинг қон сўриши, ажнабийлар калакалари, истиқболининг мушкуллиги каби иллатларга мубтало бўлмаган! Бутун мамлакат ва миллатни шу аҳволга келтириб қўйдикки, дунёдаги энг қийин ва ташвишли кунларда яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга маюс тортиб, қон йиғламоқдалар. Ҳар қанча кўз ва қулоқларингизни беркитиб олсангиз ҳам бу қадимги ислом миллатининг фарёди ва бу муқаддас мамлакатимизнинг хароблигига ачинмай тура олмайсиз. Лекин бу жимгина ачинишдан не фойда? Бу кетма-кет келаётган мусибатлараро Сиз каби комил шахснинг ҳаракатсиз ачиниши ва сукут ҳолати қачонгача давом этади? Бу кун мазлум ислом миллатининг энг ойдин фикрли зиёлилари жаҳолат ва ғафлатнинг икки отига миниб ўз камситилишининг пайини қирқиш учун чопмоқдалар. Муқаддас ва меҳрибон она ватанимизнинг ўз ҳақини таниган фарзандлари зулм темир панжасидан тортиб уни фано саҳроси томон тортмоқда. Бу кун залолат ва гумроҳлик занжирининг асири бўлган бизнинг ҳолимизга Ҳазрати Раббъ-ул-иззатнинг раҳми бўлиб юборилган Сизсиз ва бизнинг тождор олий ҳазрат падари меҳрибонимизни ҳозирги ва келгуси мушкулликлардан Сизгина хабардор эта оласизки, (амир) бизнинг ишларимизнинг назоратига Сизни жалб этган. Яъни Ҳазрати Холиқнинг карами ва адолатпарвар подшоҳимизнинг лутфи Сизни нафақат бу умри паришон ва истибдодпеша бўриларга ўлжа бўлиб, қурувчисиз қолган қўйларга меҳрибон чўпонликка эмас, балки уларнинг ишларини танзим қилиш — тартибга солиш учун юборгандир. Биз Сизнинг ишга тайинланган кунингизни ўз ҳаётимизнинг муқаддимаси деб билдик ва ишга маъмур бўлиб, киришган кунингизни ўз миллий байрамларимиздек нишонладик. Таассуфки, бугунга қадар интизор кўзларимизни қанчалар тикмайлик истиқболимизнинг саодати учун ташаббус бўладиган бирор ишни Сиздан кўрмадик.

Эй, меҳрибон она-Ватаннинг баркамол фарзанди!

Эй, Бухоро эзилган миллатининг бесабот тарафдори!

Сиз умр бўйи ўзининг ноз ва тантаналарга бой оғушида сизни тарбиялаган азиз ва муқаддас ватанингизнинг ишларини хароблик ва паришонликнинг қора кунларига улоқтириб қўйиб, унинг остидан ўт ёқиб келаётган балоларга мубтало қилиб, нега жим ўтирибсиз?! Ҳамиша Ҳақ динимиз ва шаръий Пайғамбаримиз Муҳаммад (С. А. В.)нинг адолатлари соясида тинчлик ўрнатиб келинган ватанимиз кимсасизми ё хароб ҳолда қолди! Минг хил хавфу хатарларга дучор бўлди! Соатма-соат Сизга умидвор тикилган кўзларимиз юмулмоқда, Сиздан ёрдам ва нажот амалларини кутишдан толмоқда. Сиз нега жим ўтирибсиз? Шу мазлум ислом умматининг умиди, ҳаётимизнинг баракоти Сизнинг сайъ-ҳаракатингиз ва ҳимматингиздандир. Бу бахтсиз ислом миллатининг хизмати ва муқаддас шаръий динимизнинг мустаҳкамланиши, албатта, Сиздан лозимдир.

Бу муқаддас хизмат йўлида бир дам бўлсин сусткашлик қилишга Сизнинг ҳаққингиз йўқ! Сўзингизнинг нуфузи ва улуғвор таъсири бўлгани ҳолда бу куфрони неъмат хабаридан ожизлигингизнинг маъноси нима? Нима сабабдандирки, Сиз ўзингиздан лозим хизматларни ошкор, очиқ қилмайсиз? Турли фирқалар орасида улуғ ишларнинг ташаббускори бўлаётган ўша ҳиммат арбобларининг Сиздан не устунлиги бор? Не монеълик борки, тартиботи жадида воситаси билан миллий саодатимизнинг янги истиқболли йўлларини очиб, қадримиз ва тақдиримизни аъло даражада шарафлай олмайсиз? Бир зоти комилнинг ҳаққи учун Ватанимиз ҳамдўст ва ҳамдин кишиларга тўла бўлса қанчалар савоб?! Бир миллатнинг ҳаёти учун қайғуриб, Аллоҳнинг фазлу карамига сабаб бўлмоқдан қайси шуҳрат ортиқроқдир? Раият орасида Сизга нисбатан ихлос ва муҳаббат бор, бу Яратганнинг карамидирки, Сизни фавқулодда нуфуз соҳиби қилиб бошимизга юборди. Олий ҳазрат тождор падари бузрукворимиз, адолатпарвар подшоҳимиз бизни тарбият ва танзим этмак амрини Сизга берган. Не тўсиқки, Сизни бу муқаддас хизматдан қайтарсин?! Магар бошқалар ғафлатда қолган бўлсалар Сиз-да ғафлат қилманг. Бошқалар ғафлатининг ташвиши Сизнинг ғафлатингизчалик бўлмайди. Наувзи-биллоҳ, бундай муқаддас вазифани бажаришда сусткашлик қилсангиз эртага интиқом олгучи Аллоҳнинг ҳузурида нима деб жавоб берасиз?!

Нуширавон намўрд ки номи неку гўзошт

*(Нуширавон ўлмади, чунки яхши ном қолдирди)*

**Бухороли АБДУРРАУФ**
**Форс тилидан Ҳамидулла Болтабоев таржимаси**



СУРАТДА: Адиблар Омон Мухтор ва Раим Фарҳодий

# ДУНЁ КЎЗ ОЛДИМДАН ТУШ КАБИ ЎТДИ

НИГОҲ

Шоир чиндан ҳам чечакка ўхшайди: қай тупроқда кўкаришидан қатъи назар, ҳаммага тушунарли тилда барқ уриб туради. Яна шуки, шоир олам саҳнини ғуборлардан тозалайди... «Тазарру» китобининг муаллифи Асқар Маҳкам норасо дунёни баркамол кўриш истагида риёзат чекаётган шоирлардан бири. «Менга одам бўлиб туюлган ким бу? Менга одам бўлиб туюлди, бироқ. Буюк вужудимнинг бир бурдаси у... Бир бурда нон берган одамлардан мен Бир бурда жонимни аяб ўлмайман...» Дунё — эски иморат эмаски, кўплашсак-да, уни бузиб, ўрнини ўзимизга ёққанчалик ҳаворлаб-текислаб, янгисини қураверсак. Дунёни, одамни тозалаш — кишининг ўз кўнглини покизалашидир. Ҳар ким ўзини тозаласа, тузатса, дунё ҳам тоза, соз бўлур эди. Ўзини тозалаш на жисмоний, на илмий меҳнат, балки қалб меҳнатидир. Сўз — қалбдир. Кўчадан танга топгандек сўз топиб шоир бўлолмайдилар. Сўзнинг ўзи кўпчилик орасидан шоирни танлаб олади. Шундоқ шоирнинг сўзлари, ҳасратлари кўнгилни тозалайди. Ўзни тозалаш фақат тазарру, фақат тавба меҳнати билан чиқиб бориладиган, таъбир жоиз бўлса, мақомдир. «Эй зоти одамий, эй зоти азал! Оламда тошдан то тариқ болаңг-у, жисмингда бир қатра қон қолса алҳол, Тазарру айлагил, тазарру!..» Чин тазарру илм эмас, ишқдир. Ишқ кимни куйдиради, кимни суйдиради? Шу маънода шоир «Ошиқона» шеърида шундай дейди:

«Маломат бор, ҳақоратлар бор, аломат бор, асоратлар бор, адоват бор, ҳамоқатлар бор, мен ишқпараст, илло ишқпараст!..»

Дунёда ҳамма нарсага етишиш мумкин: бахтга ҳам, тахтга ҳам, фақат ишққа етган одамни дунё ҳали кўргани йўқ. Ишқ сари ҳар қадам қўйганингизда ишқ сиздан бир қадам узоқлашади. Ишқни уфқлардан, осмонлардан, нигоҳ илғамас йироқлардан излаганлар жуда кўп. Шоир эса ишқни ўз кўнглидан, ўзидан қидиради. Уфққа ҳам, қуёшга ҳам етадилар, киши кўнгилга, ўз кўнглига ҳеч қачон етиб билмайди. Улуғ карвонлар, қўнғироқлар, бонглар чалиб ўтган йўлда шоир пойипиёда чопиб бормоқда: «Насиб этмас менга жовид буюк ишқдан бўлак савдо, маконим ўртади ишқ, ломаконим ўртади ишқ, ишқ...» Ишқнинг олий даражаси — висол. Унинг шеърларида висол мотивлари илғанмайди. Бу ҳол шоир ўз руҳиятида ишқ толиби — ошиқ эканини, Ишқ бекатига ёлғизлик, иқрор, тазарру сингари сукунлардан ўтиб келганини, дийдор эса ҳали йироқларда эканидан шаҳодат беради. Шоир ўз руҳиятида бу машаққатли йўлни босиб ўтаётганини мазкур тўпламдаги шеърларнинг мундаражаси ҳам тасдиқлайди:

«Ўзим билан танҳо», «Иқрор», «Тазарру», «Ошиқона»... Зеро, ҳар қандай шоир шеърларини тадқиқ этиш унинг руҳий иқлимларини тадқиқ этищ билан айнан бир хилдир. Ҳатто «соф санъат» йўриғида айтилаётган ҳар қандай Сўзни руҳдан юлиб олиб бўлмайди. Сўз гўё руҳнинг бир аъзоси. Руҳ ва сўз бир-бирисиз барибир мукаммал бўлолмайди.

Адабиёт ҳамиша эътиқодга айланган дин билан, бундай дин йўқ пайтда, йўқ жойда эса эътиқодга айланган мафкура билан бақамти йўлдир. Адабиёт халқ ҳаётининг инъикоси деганларидек, кейинги йилларда исломий тафаккур миллий маданиятимизга шиддат ила қайтиб келмоқда. Бу ижтимоий жараён омма дунёқарашининг табиий тадрижидир. Онгнинг бу ўсмирлик фаолиятини «ура-ура мавсуми»га айлантириб бўлмайди. Ҳозир кўпчилик ижодкорлар ўқувчилар майлининг оқимига қараб Хўжа Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний ва бошқа улуғларимиз йўлида дурусту нодуруст ёзишни «касб» қилиб олмоқдалар. Ҳар қандай мафкура сингари дунёвийлаштирилган, моддийлаштирилган ислом мафкураси ҳам сўз санъати учун таназзулдир. Одам ва Илоҳ ўртасидаги мутлоқ илоҳий муносабатларгина адабиётта қўшқанот бағишлайди.

Асқар Маҳкамнинг кечинмаларида сунъийлик, зўракилик сезилмайди. Тўпламдаги «Сирот кўприги», «Жоҳилият», «Нуҳ тўфони», «Шамс Табризий», «Пардаи асрор» каби шеърларда ҳақиқат ва хаёл парвозларининг уйғунлигини кузатиш мумкин. Шоир ҳар бир шеърини секин бошлайди. Деярли ҳар шеърини тезликни ўзиб якунлайди. Унинг қоғозда тугаган шеърлари кўнгилда давом этаверади. «Тазарру»да туйғулар оқимининг бир хиллиги кузатилади. Шоирнинг шеърлари учта мустаҳкам асосга: туйғу, сўз ва тимсолларга таянади. Туйғу шиддатли бўлса-да, баъзан оддий гап, содда баён бу шиддатни босиб кетади. «Бухорода бир кун бўлганим», «Йигирманчи аср модернлари», «Федор Достоевский», «Хотинлар» каби шеърларда ана шундай ҳолат юз беради. Умуман олганда, англаш мумкинки, бу туркумда эмас, «Азим Марқа», «Ҳисор бегининг сўнгги туни» ва исломий руҳдаги шеърларда шоирнинг қўли баланд, устивор келади.

Асқар Маҳкам чиройли тимсолларни суядиган шоир. У баъзи-баъзида айтилаётган шеър қолиб, тимсолларга маҳлиёлик, ташбеҳларга ишқибозлик йўлига ўтиб кетса-да, шеърнинг яхлитлигига путур етмайди. Ташбеҳларнинг гўзаллиги ана шу оғишларнинг кемтигини тўлдиради. «... салқи қорни билан судралган шамол...», «гурубларда йиғлаётган тун — бўри ёриб ташлаган оҳу...», «тиззалари ойсимон бир қиз...». Шоирнинг энг яхши ташбеҳ ва тимсолларида ҳаракатлар, муносабатлар, ҳолатлар сезилади. Ой, тун, шафақ, шамол каби унсурларни у қайта-қайта — «кўппак ёриб ташлаган оҳуга», «имиллоқ шамол»га ўхшатаверади. Назаримда, шоир баъзи ўринларда образларни охиригача ишлашдан чекинади: «Сарғайган пиёла ойга ўхшайди...», «Ой йўртирар кўкда қизғиш от...», «Ой — кўзлари сўлиган кўппак...», «Левитанча боқар ўрмонзор...». Бу муқоясаларда ўқ нишонни четлаб ўтиб кетганга ўхшайди.

«Тазарру»да форсий, арабий сўзлар, иборалар кўп учрайди. Бу ҳол баъзан шеърларни китобийлаштириб қўяди. Янги сўзни рангсиз айтган чин шоир эмас, балки эски сўзни янгича айтган шоир чин шоирдир. Шоирнинг сўз танлашдаги зўракилиги ўқувчининг шаҳдини сусайтириши ёки қайтариши эҳтимолидан эҳтиёт бўлиш лозим. Фарҳанг, Хунрезон, Раъд, Нобино, Раҳт, Нокиро сингари сўзлар, шубҳасиз, оддий ўқувчини қизиқтирмаслиги мумкин. Бироқ шунга қарамай, бу сўзларнинг шеърий луғатимизга қайтиши қувонарлидир. Келажакда бевосита шу сўзлар билан ишлайдиган шоирлар етишадилар. Бу сўзларнинг тилимизга қанчалик садоқатли эканлиги келажак шоирларининг меҳнатига боғлиқ.

Мен ҳар гал янги китоб ўқиб чиққанимда унинг бутун мазмунини бир жумлада ифодалашга уринаман. Шоир Асқар Маҳкамнинг «Тазарру» шеърий китобини ўқиб чиқиб, шундай тўхтамга келдим:

**ДУНЁ КЎЗ ОЛДИМДАН ТУШ КАБИ ЎТДИ...**

**Салим АШУР**

*НАЗАРМАТ*

# КЕКСА ГВАРДИЯЧИЛАРМИЗ



Бизлар кекса гвардиячилармиз,
Ёдда ўтмиш жанглар, мардлар тўккан қон.
Элга жонни тиккан фронтчилармиз,
Жангчи фахрийлармиз, сафдамиз ҳамон.
Унут бўлмас тўрт йил ёнган оловлар,
Эллардан элларга ўтганди қирғин.
Дунёни қиличга тортганди ёвлар,
Жангларда ҳал этдик ҳаёт тақдирин.
Волга соҳиллари, Минск ўрмонлари,
Карпат тоғларида енгдик душманни,
Бўлди қасос ери жанг майдонлари,
Сақлаб қолдик ёвдан кўп ўлкаларни.
Хотирда жангтоҳдан қайтмаган мардлар,
Қандай мардлар эди, шиддатли ҳар он,
Эй азиз қуролдош, табаррук дўстлар,
Соғ бўлинг, Ватан ҳам бўлсин тинч, омон.
Ёшларга бор айтар сўзимиз дилдан,
Меросдир уларга хизмат, шонимиз,
Сергак посбон бўлинг мустақил элда,
Шуни истар Ватан жонажонимиз.
Фарзандлар бор экан осойиш дамлар,
Биз кўрган урушни кўрмасин жаҳон,
Ҳаёт-чун дунёга келур одамлар,
Она ер гул истар, истамайди қон.
Бизлар кекса гвардиячилармиз,
Ёдда ўтмиш жанглар, мадрлар тўккан қон.
Элга жонни тиккан фронтчилармиз,
Жангчи фахрийлармиз, сафдамиз ҳамон.

*Йўлдош ЭШБЕК*

# БОДОМ ГУЛЛАГАНДАЙ, ТОШ ЧАТНАГАНДАЙ



## ЛАҲЗА

Наҳот кетаётир ёшлик,
наҳот совиётир қон,
дилни тирнаб турар ғашлик,
тўғри кўринар шайтон.

Меҳрибондайман сизга, она,
киярдим бўлса меҳр — либос,
йиллар мийиғида кулар яна
бор-будимдан айлаб халос.

Менинг ҳам юзимга тортмокда омоч —
кунлар — набираси шафқатсиз йилларнинг,
табассум ўрнига унар истеҳзо —
хирмони мўл бўлар... ўгай кулкиларнинг.

Ёш боладайман сизга ҳамон,
қўлингиз остида тўғридайман,
тўғри кўриниш осон —
эгилган гавдамни тўғрилайман.

Чиндан нолиб қаранг, она,
эзманг... сезманг юзим бурсам нур томон —
на соядаман, на қоронғудаман,
ёруғ кўриниш осон,

бошим — кунсиз гул барги сомон,
қўлингизга жойлабсиз мушкни.
Тўғри кўриниш осон,
тўғри бўлиш мушкул. Мушкул.

## ҚАҲРАМОН

Йўталишга ўхшаш кулгингиз,
тиззангизга урасиз яна,
нима қилдим сизга?.. бўғилдингиз —
кула-кула қарғаб... қарғана қарғалар!

Мен сизни емасман, муштоқман —
гулга қарагандай боқаман хурсанд,
тизимдан тортасиз, санчиб тирноқлар,
калака қиласиз, очиб авратлар,
нима қилдим сизга, ковраклар!

Учиб кетмаяпман, тушиб келяпман,
нимага куласиз?! Толди тулпорим,
найзага эмас-ку, бор-йўғи
чўққига илиниб қолди қалпоғим...

## ЁШ

Олма каби думалайди ёш,
ерга тегиб лат еди боши,
балки боши бамисоли тош,
балки тошдан қаттиқ бардоши,
ёшнинг ўзи бош сўзи тош
тош бўлсаку тупроқлар тўлди,
бу тупрокда қанча тош сўлди,
мана, титраб кулаётган тош,
буям марҳум бўлаётган тош,
ёшнинг кўзи тош ўзи бош
киприкларда турибди аранг,
тортилар бу дорлар таранг,
жон каби узилиб... бу ёш —
осмондай қарсиллаб
ёрилар ҳатто
жонсиз бўлса ҳам
бўлса ҳам бу тош
Ёш бош, йўқ, тошнинг боши ёш эмас,
ёшнинг боши тош.

## СУКУНАТ

Тунни ёриб хуриб кўяр ит,
Сукунатни юзиб учар сас,
ёлғиз чироқ қилар ҳиргойи,
хўрсинади ҳовлим — бир нафас
шовиллайди ёлғиз ўрик жим,
азонгача сарғаяр боши.
Оғирми? Ёлғизлик — мунажжим.
Сен юлдузмас фалакнинг тоши.
бағрингми бу ёки уй? —
кўтарилиб тушади фақат.
Э, ёлғизлик деган куй!
Куйиб куйлаб ётган надомат!

## ШОМ

Кўзғаб юборар ойни
юлдузлар шабадаси,
тўлар муаттар чангга
осмон косаси,
тўнтарилган косанинг
ортида мустар қуёш —
кўзни босиб қолгандай
узун уюқ қора қош.
Бир лаҳза
Мен ҳижрон кўраман
ҳамма нарсада
кўраман висол
ним косада
этни жимиллатган ўй
суякни жунжитган хаёл
мен висол кўраман
ҳамма нарсада
кўраман ҳижрон
чоғир фаслида
ёғий асалдай
бир лаҳза олдинги
сени соғинаман



## ҚИШНИНГ АДОҒИ

Бодом гуллагандай
бўлди
тош чатнагандай учкунлагандай
учкун... лагандай
кимдир бошимни тош ўйлаб бодом чакди
мен бодомни тош билдим
бодом либосига учкунлар такди
бу ниҳол бодом
нималарни ўйламас одам
эртароқ гулласа
дарахтлар
«барибир бу баҳор барибир баҳор»
уқтиришар
ҳатто дўқ уришар
«барибир баҳор бу барибир баҳор»
нималарни ўйламас одам

# ХОТИРА КЕЧАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида эл суйган адабиётшунос олим, адиб ҳамда таржимон Тўхтасин Жалоловнинг ёркин хотирасига бағишланган маросим бўлди. Унда таниқли ёзувчилар, шоирлар, олимлар, устознинг шогирдлари ва мухлислари иштирок этдилар.

Хотира кечасини ёзувчи Носир Фозилов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, адабиётшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов, Абдусодиқ Ирисов, Ҳамиджон Ҳомидий, таржимон Низом Комилов ва бошқалар Тўхтасин Жалоловнинг жўшқин ижодий фаолияти, мураккаб даврдаги ҳаёти, олийжаноб инсоний фазилатлари тўғрисида гапирдилар.

Хотираларда олимнинг «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», «Хамса талқинлари», «Ўзбек шоиралари» каби нодир китоблари, Ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиётига оид илмий тадқиқотлари, «Қуш қаноти билан» номли машҳур қиссаси, устозниг архивида сақланаётган, ҳали ўқувчиларга номаълум бўлган «Олой маликаси» асари ҳамда бир қатор таржима асарларининг бадиий-илмий аҳамияти алоҳида таъкидланди. Тўхтасин Жалоловнинг ҳам қатағон замонларида «халқ душмани» сифатида тазйиққа учрагани, аммо бу қийноқларга адибнинг мардона жавоб берганлиги эсланди.

Хотира кечасида адибнинг умр йўлдоши Ортиқой ая сўз олиб, Тўхтасин Жалолов хотирасини эъзозлаб, руҳларини шод қилганларга миннатдорчилик билдирди.

Хотира кечаси муборак Ийди Қурбон кунлари ўтказилгани бениҳоя савоб бўлди.

**Р. ОТАЕВ**



*Тўра ЖУМАН*

## ҒУРУРИМСАН, ВАТАНИМ!

Сен мустақил, мен мустақил, эрк, ҳуримсан, ватаним!
Ёниб яшайман ишқингда, қалб кўримсан, ватаним!

Келажаги буюклигинг менга равшан қуёшдек,
Олисларни илғагувчи кўз нуримсан, ватаним!

Унутилган буюк зотлар яна эъзоз топмокда
Ҳақиқатни улуғловчи шууримсан, ватаним!

Дадил қадам, шон-шуҳратинг маълум бутун жаҳонга,
Қўл беришган дўстлар билан машҳуримсан, ватаним!

Меҳнатсевар шодон элинг илҳом берар Тўрага,
Қучоғингда умрим завқли, ғуруримсан, ватаним!

## КЎП ЯШАДИМ

Кўп яшадим, ҳаётим шому хуфтон ораси,
Яна узоқ яшашнинг энди ҳеч йўқ чораси.

Бировларда оз бўлса, бировларда кўп бўлди,
Бу дунёнинг қалбдаги битмайдиган яраси.

Қисқа ҳаётда ким ёмонлик қилди ҳар вақт,
Фақат қилди яхшилик одамларнинг сараси.

Бўлмағур одатини ташламайди баъзилар,
Кўринса-да умрининг энг охирги марраси.

Букрини гўр тузатар, бошқа илож йўқ, Тўра,
Одам ҳар хил, шунинг-чун турлича ноғораси.

*Улуғбек АБДУЛВАҲОБ*

# ИНСОН

Ҳикоя

«Вақти-вақти билан борлиғим ҳозиргидек гўё ёқимли мусиқа янглиғ жимирлар ва юксакликка талпинар экан — МЕН ҚУДРАТЛИМАН! Шу қадарки, одамзот билан беллашмоқдан уяламан!»

199... 24 апрел,

дея ёзди-да кундалигини ёпиб ташқари чиқди йигит. Негадир кўнгли табиат қўйнини тусади. Одатда, у шундай пайтларда анҳор бўйига ёки шаҳар четидаги дала-даштларга чиқиб кетар, имкон қадар одамзотнинг таъсири камроқ жойларга ўзини урар эди. Бу сафар ҳам у анҳорга борди. Сув ёқалаб кетаркан, ўзини анча эркин ҳис қилди. Кўзи тушган ҳар бир дарахтга, ҳар бир кўкатта меҳр билан боқди. Ниҳоят, бир қайин рўбарўсида тўхтаб, қўлини тегизди ва гўё унинг ҳам одамлардек нафас олаётганини идрок этди. Дарахтга суяниб кўзини юмаркан, вужудида майин жимирлаш кечди. Қаердадир — ичкарида нималарнингдир шодон чуғурлашганларини эшитгандек бўлди-да, кўзини очиб дарахтга тикилди. Унга бир нима демоқчи бўлгандек оғиз жуфтлади-ю индамади. Сўнгра қайиннинг силлиқ баданига бир-икки шапатилаб қўйди-да, сув томон юрди. Тўлиб оқаётган анҳорга завқ билан боқаркан, кўнгли ҳам тўлиб бораётганини ҳис қилди. Жўшиб кетиб, анҳорни қиз мисоли қучоқлаб ўпиш, унга сир айтиш истагини туйди қалбида...

Кечга томон уйга қайтаркан, йигит бугунги суҳбатдошларидан эшитганларини қоғозга тушириш учун ошиқар эди. Метрога тушди. Поезднинг эшиклари очилиши билан йигитнинг кўзлари қарши томондаги ёпиқ эшикка суяниб турган қизга тушди. Қиз ҳуркиб қаради. Нигоҳлар бир муддат бир-бирларида тўхтади. Йигит одамлар орасидан ўтиб қизнинг шундоқ рўбарўсига келди, кўзларига яқиндан тикилди, севинди... Айни чоғда қизнинг нигоҳида ҳам нимадир жонланди, билинар-билинмас кулимсиради. Шу топда у камалак қучоқлаган осмон янглиғ мусаффо ва гўзал эди. Йигит бир зум мувозанатни йўқотди, жодулангандай итоаткор алпозда қизнинг қаршисида туриб қолди. Соҳир кўзлар алласида тебранаркан, хаёлан Оллоҳга муножаат қилди: «Ё Раббим, бу ким?! Наҳотки, тўсиқ? Мени Сендан узоқлаштирган ғов? Наҳотки, Сенга боришим учун мен уни янчиб-майдалаб ўтишим керак? Ахир, менинг ўзим унинг ҳузурида парчаландим-ку! Қаршисида эс-ҳушимдан айро, бору йўғимдан жудо, хору зор қолдим-ку! Ё, Парвардигор, мен кимман ўзи? Наҳотки, ҳеч ким?! Йўқса, нечун бу олам қошида Сен тугул ўзимни-да унутяпман — йўқотяпман? Нечун менинг ўзагим мустаҳкам эмас? Аслида, унинг ўзи борми? Ахир, мен эриб бораяпман-ку! Маҳв бўляпман-ку! Оллоҳим, мени мағфират айлаки, гўё Сенинг ёдинг кўнглим билан бирга шу бир жуфт мовий кўзлар қаърига ғарқ бўлаётир! Ё тавба бу қандоқ кўзларки, нигоҳида ҳаёт бор, сеҳр бор, нажот бор, меҳр бор?! Наҳотки, гўзаллик ҳаётимдан устундир? Ҳақиқатчи?.. Аслида гўзаллик — ҳаёт, ҳаёт эса гўзаллик эмасми? Унда ҳақиқат нима? Оллоҳим, ҳозир мен Сенга фақат узрхоҳлик қилишим мумкин, холос. Чунки кўнглимни олдирдим, ақлим ҳам гангиб қолган. Ахир, мен кўзлар замиридаги умидбахш жилвага маҳлиё бўлдим. Оллоҳим, айт-чи, бунинг маъноси Сенинг Ўзингга таслим бўлиш дегани эмасми? Ахир, ушбу нигоҳлар сеҳри-да аслида, Сенинг қудратингдан мосуво эмас-ку! Менинг ўзим ҳам сочилиб ётган парчаларимни тўплай-тўплай, Сен томон интиляпман-ку! Ахир, шу қароқлар остидаги жоду менинг бир бўлагим бўлса нетаман, уни ташлабми кетаман?! Менга шундай туюляптики, гўё соҳир кўзлар қаърига беркинган парчамсиз мен олға, яъни Сен сари ҳаракатлана олмайман. Уни топишим, забт этишим шартдек! Йўқса, мен усиз ҳеч кимман, Сенинг эмас, шу кўзларнинг бандасиман гўё! Бутун умр эркин учиб юрган қушни тутиб, қафасга солсалар, унинг ҳоли нима кечади? Менинг ҳолим ҳам шундай. Кўзлар эса нажот туйнуги бўлиб кўринади. Мен унга ўзини ўтга урган парвонадек ўзимни уришим — ёнишим керакдек.

Оллоҳим, биламанки, ҳеч ким ишонмаган тақдирда ҳам сўзимнинг чинлигига Сен шубҳа қилмайсан. Менга шу бас, кўнглимда ҳавас. Ё парвардигоро! Ёдингни мен унутдим, фақат Сен мени унутма! Қўрқяпман, вале ўзга иложим йўқдек. Аслида, менинг Сенга, фақат Ўзингга қайтгим келади! Мени забт этган, пароканда қилган барча-барча дунёлардан бирданига ва бутунлай воз кечиб, Сенинг қошингга қайтсам дейман! Сен томон улоққан сип-силлиқ йўллардан юришдан кўра ҳар лаҳза, ҳар соат, ҳар куни ва бутун умр Сенга қайтиш — менга ҳузур бахш этади. Фақат шундагина ўз-ўзимни, ўз моҳиятимни тушунгандай бўламан. Фақат шундагина Сенинг қудратинг кучини яна-да ёрқинроқ ҳис этаман! Ҳаётим маъносини англагандай севинаман...»

Шу ерда йигитнинг қурби битди, у хаёлига енгилди. Одам Ато ва Момо Ҳаво кўнглини олган олма янглиғ оҳанграбо кўзлар қаршисида тиз букди. Дарҳақиқат, бу кўзлар чайқалиб, қуёшнинг рангин нурларига ўпич бераётган чексиз уммон қадар гўзал, долғали эди. Йигитнинг наинки ақлу ҳуши, балки гўё бутун борлиғи ана шу чексизлик домига ғарқ бўлди. Йигит ҳам ўзи ошиқар, ҳам қандайдир куч уни ўзига тортар эди. Тубсизлик қаърига шиддат билан қуларкан, унинг ўз табиатига кўра ҳамиша парвозларга кўниккан руҳияти бир лаҳза синиқди, иккиланди, шубҳага борди... Гўё ўз изғиринида таянчсиз алфозда учиб борарди...

Йигит бошини кўтариб атрофга ғалати боқди ва негадир кўпчилик олдида либоссиз қолган одамдек уялди. Шу топда у ўзини тик турган қўйи сиқиқ девор билан ўраб ташлангандай сезди, бўғилди. Бармоқларига узоқ тикилиб ҳавони ғижимлади-да, бўшлиқнинг кўксига зарб билан мушт урди...»

Йигит ҳушига келди-ю, кўзига ботиб турган қораткини секин-аста илғай бошлади. Бояги хурлиқо қиз ўрнида энди семизлигидан кўзлари юмилиб кетган бадбашара хотин мудраб турарди. Йигит ўзича пичирлаб «Ё қудратингдан!» деди-да навбатдаги бекатда тушиб қолди.

«Қанча тиришмайин, ҳар қандай яхши сўзни бардавом тинглай билмадим. Кунда янграётган бу дилрабо қўшиқнинг эртага ҳам қулоғим остида жаранглай олишига шубҳа қиламан. Бугун эътибор бермаётганим қандайдир фикрга эрта бўлмаса, индинга бутун ҳаётимни тикишим мумкин. Ҳануз тушларимда безовта қилаётган паризот агар уч кеча ҳамсуҳбатим бўлса, менинг қайсар кўнглим навбатдаги базм учун ўзга бир жононни истар... Буларнинг барчаси менинг соғлом эканимдан нишонадир!»

Йигит шуларни кундалигига тушириб, ручкани қўйди-да, ўйга толди: «Мен кимман? Нималар қиляпман ўзи? Наҳотки, умримни мана шундай сафсата тўқиш билан ўтказсам? Кимга кераги бор ахир бунча бошоғриқ фалсафани? Қачон мен буларнинг барига тупураман-да, юксакка кўтариламан? Қачон!»

Шу тобда ёзувчилик йигитнинг кўзига пиёнисталикка ўхшаб кетди. Йигит туйғулар хуруж қилганда ёзмай қололмаслигини эслаб, «ахир бу хумор тутгандаароқхўрнинг ичмай туролмаслигини эслатмайдими?» деди ўзига-ўзи. «Мен ёзувчиликка, ёзувчи бўлиб яшашга кўникдим ва ўзимни «Ёзувчи» номли қафасга — тарзга тиқдим. Энди мен қаёнга боқмай, ана шу қафасдан туриб қарайман. Қафас туйнугига сиғмаганларни кўролмайман, уларни йўқ санайман. Афсус... Бироқ ҳали ҳам кеч эмас. Ҳали умид бор, умид! Ёзувчилик не, ҳали мен ундан-да юксакроқ мартабалар кўксини чок-чок қиламан, борлиғини парчалайман, ёндираман, ЎТАМАН!» Йигитнинг вужуди қизиди, қулоқлари битди. Ич-ичидан кўтарилиб келаётган туйғуни ҳис қилди, қувонди, ҳадиксиради... У гўё жисмини ҳам кўтариб учишга тайёр ҳолда туғилаётган қудратни туяркан, негадир ўрнидан қўзғолмай ўтирганига ҳайратланди. Шунга қарамай, руҳнинг бу жунбушини — боласини туғмасдан ўтказиб юборилмаслигини пайқаб, қўлига қалам олди:

**Қаёнга борасан, эй қалб — эй олам?!**
**Наҳот мен эсингдан чиқиб қолганман,**
**Наҳот сен билмайсан:**
**Мен - одам!?..**

Йигит секин-аста ўзига келаркан, олдидаги нарсаларни кўра бошлади. «Бу — дафтар, бу қалам, манави стол, анави — дераза», — деди ўзига-ўзи. Ниҳоят, ўзини анчадан бери уйда эканини англади. Очиққанини сезди. Туриб бир парча қотган тандир нон олди-да, қарсиллатиб чайнашга тушди. Сўнгра хона ичра у ёқдан бу ёққа юраркан, эндигина келиб кечган ва бутун дунёсини пароканда қилган ҳолат ҳақида бош қотирди: «Бу — нима? Шунчаки туйғулар жунбуши — илҳомми ёки бағрига хазина яширилган тоғми? Ҳар ҳолда унда нимадир бор, йўқса у келганда мен шунчалар нобуд бўлмасдим, парчаланмасдим, шошиб-тошмасдим! Ҳа-ҳа, унда қандайдир сир бор, ҳикмат бор. Гўё у нимадандир хабар беради-ю мен тушунмайман, фақат алжирайман. Ҳа-ҳа, илҳом келганда менинг ёзганларим — алжирашдир. Аммо шундай бир алжирашки, унинг замирида ахбор бор, асрор бор!»

«Эҳ! — деди у ғижиниб, — бунчалар ожиз бўлмасам, мустар қолмасам! Гўё улкан саҳрода карвондан тушиб адашиб қолган боладек гирёнман, беҳудман, ночорман» ...Йигит кескин ҳаракат билан қўлларини панжаха қилиб боши узар силкиди ва кўзлари чақнаб ҳайқирди: «Эй Худо? Сен кимсан Ўзи? Нега мени қийнайсан? Нега мени ўз ҳолимга қўймайсан, таъқиб этасан, безовта қиласан, ёндирасан, кул қиласан? Нега ахир, айтсанг-чи, айта қолсанг-чи?! Йигит кутилмаганда чўкка тушди, бошини панжалари орасига олиб сиқди. Сўнгра юзларини ғижимлади-да, қўлларини тиззалари устига қўйди, титроқ, лекин паст овозда нола қилди:

***Сенга талпинаман — қўлларимдан тушади ишим,***
***Сенга талпинаман — хаёлларим сочилади жим.***
***Сенга талпинаман — нигоҳимдан чекинар олам,***
***Сенга талпинаман — чил-чил синар кўксим тўла ғам,***
***Сенга талпинаман — борми менинг нажотим ахир?!***
***Сенга талпинаман — парчалангум ўзим ҳам охир...***

Кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушаркан, йигит саждага бош қўйди...

У узоқ ухлади. Тонгга яқин қисқа бир туш кўрди. Тушига шундоқ боши узра минг бир тусда турланиб-очилиб турган улкан маёқ кирибди. У манзарага маҳлиё бўлиб улгурмай, маёқдан булоқдек отилиб-сочилиб таралаётган нур йигитнинг бошига тўкиларкан, уйғониб кетди. Кўнглига қулоқ солди — ажиб бир ойдинлик. Ташқари чиқди, оппоқ бўлиб отиб келаётган тонгнинг қаърига бирин-сирин чўкиб кетаётган юлдузларнинг сўнгги хандаларига боқди, ҳайратланди. Сўнгра сувга тикилганча ариқ бўйида узоқ ўтирди. Ниҳоят, оғир қўзғолиб сув бўйлаб юрди ва мевасини кўтаролмай синиб ётган шафтолини кўриб кўнгли чўкди. «Ажаб, яратган яхши бўлишга ундайди, бироқ тинимсиз равишда яхшилик қилишнинг имкони йўқ!»— ғудранди йигит.

Уйига қайтиб эшикни очаркан, кимсасиз хона гўё ҳайҳотдек оғиз бўлиб унга чанг солди. Ҳайиқди, аллақандай шубҳа ўтириб унинг ишончига нон ботириб егандек бўлди. Юраги сиқилди, ичи уйнинг ичи каби ҳувиллаб, ёлғизликдан алангланди. Наҳотки, у алданган бўлса? Йигит негадир кўнглидан ҳам шубҳалана бошлади. Ўзини қаерга қўйишини билмай аламдан типирчилади...

Орадан фурсат кечди. Унинг хаёли сочилди. Соқоллари ўсиб юзини тутди, усти-боши кир-чир бўлди. Тафаккурида — ботинида гир айланиб ниманидир қидирди, ниманидир топгандек бўлди... Ниҳоят, тебрана бошлади. Қўллари қаламга ёпишди. Гўё азоблар исканжасида ўртанаётган юрагини ручканинг найчаси орқали сиёҳ-ла баробар сирқитиб қоғозга тиркамоқчи, ундан қутулмоқчидек узоқ ёзди. Ёзавериб чарчади. Ёзиш асносида шуни англадики, йигитнинг қалби ўзига ёпишиб олган қандайдир оғир дарддан даволанаётгандек ҳапқирди. Севинди! «Агар бахт мавжуд эса, унинг қароргоҳи киши ўзлигини англашидан, шунга интилишидан юксакда эмас. Бу — одамнинг инсонлигидир. Не ажабки, ушбу ҳол бизларни Оллоҳ сари бошламоқда!» — деб якунланарди унинг қораламалари.

Йигит стулдан турганда, кун ёйилган эди. Деразадан атрофга, сўнгра кўкка боқди, камалакка кўзи тушиб қувонди. Борлиғи бир зумгина титради, бир зумгина қандайдир ширин сезгининг бағрида яшади. Ва бутун умр мобайнида ечилмаган чигалликлар шундай лаҳзаларда ҳал бўлишини англади. Юз йил яшалганда топилмаган дунё мантиғи, демакки, бахт шундай онларда бўй кўрсатишини тушунди...

Йигитнинг лаблари пичирлашдан тўхтади. Бироқ шариллаб оқаётган ёмғир остида гўё юзини эсидан чиқариб қўяёзганди, қимир этмасди. Кўзлари юмуқди, ақлу ҳуши йўқ эди. Фақат тобора қаттиқроқ титрар, жазавага тушарди. Энди унинг тафаккурида на яхшилик қолганди, на ёмонлик, на ҳалоллик устиворди, на нопоклик, на гўзаллик ҳукмронди, на хунуклик... Балким буларнинг ҳаммаси тузоқ эди, лекин йигит энди улардан узоқ эди. Чунки улар манзил йўлларида босиб ўтилган қўналғалар янглиғ ортида қолганди... Ниҳоят, ёз ёмғири тинди. Йигит кўзларини аста очди. Қорачиқларида булутлар орасида балқиб турган бир парча мовий осмон акси жилваланди. Ҳайқирди:

***Нигоҳим олдида тўхтама, само!***
***Руҳим ҳурлигига бермагил ҳалал!***

Йигит совуқсиради. Ичкари кирди. Негадир ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб беш-ўн чоғли ҳар хил ҳажмдаги дафтарларини — шу вақтгача ёзиб тўлдирган, аммо ҳеч қаерда чоп эттирмаган қораламаларини топди. Уларни хона ўртасида қаққайиб турган яланғоч тунука стол устига келтириб тўкди. Кейин бирин-сирин уларни парчалади. На севинди ва на қувонди. Фақат унинг кўзлари ҳамон чақнар эди.

# ОМАДИНГ БОР ЭКАН, БОЛА

## (Устоз Ғафур Ғуломни эслаб...)

Ғафур ака Хоразмга сафар қилди. Уни Хевага олиб бордилар. Осори атиқаларни кўрсатмоқчи бўлдилар. Хоразм тарихининг билимдони, сўзамол ва қувноқ Собиржон Юсуповни шоирга йўлбошчи қилиб беришди.

Собиржон ака шоирга Ичон қалъани бир чеккасидан кўрсатиш ниятида олдинга тушди.

— Ғафур ака, сафаримизни Ота дарвозадан бошласак...

Ғафур ака кўнмади.

— Йўқ, аввало Пурёйвалийни зиёрат қилайлик, — деди у бош чайқаб, — аввал шоирларга , ундан кейин подшоларга салом берилади. Шарқнинг удуми шу.

Ўз даврининг Хайёми сонийси, деб ном чиқарган шоир Паҳлавон Маҳмуд мақбараси томон юрдилар. Ғафур ака атрофига ўйчан боқиб, нимадир пичирлаб борарди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига кираверишда Ғафур ака бир лаҳза тўхтаб қолди, негадир дўпписини айлантирди, сўнг оҳиста ичкари ўтди.

Нақш-нигорли қабр тоши олдида ҳам у сукут ичра узоқ тик турди. Сўнгра тиз чўкди, кафтлари ила қора қошларини силади ва уҳ тортиб деди:

— Шоирнинг қабри мана бунақа бўлади, мулла Собиржон!

Собиржон ака баъзи бир чўбуккалам соҳибларни назарда тутиб илжайди.

— Шоир ҳам шунақа бўладида, Ғафур ака...

Ғафур Ғулом индамади. Унинг кўзларида ёш йилтирарди.

* * *

Андижонлик кекса шоир Абдулфаттоҳ домла Ҳузурий ҳикоя қиладилар:

— Бир йили Ғафур ака Анжанга келибди, деб эшитдим. Уйда ўтирсам, чақиртириб қолишди. Бордим. Катта чойхона тўла одам. Тўрда Ғафур Ғулом, ёнида Собир Абдулла, Мунирхон домла, Жўрахон Султон... Ғафур ака гап бериб, ҳаммани кулдириб ўтирибди. Камина ҳам бир четта ўтирдим. Ғазалхонлик бўлди. Навбат менга келганда, қўйнимдан байт дафтаримни олиб, мухаммас ўқидим. Ғафур ака индамай тинглаб ўтирдию, «Қани менга берчи ғазалингни», — деб дафтаримни қўлимдан олди. Шув эткaзиб ўчоққа отиб юборди. Ўксиндим. Жаҳлим чиқди. «Бу не қилганингки, мени ҳам қўшиб отдинг ўчоққа!» деб мустар бўлдим. Ғафур ака «Бир байтинг ёқмади, шеърни расво қилибсан», деб кулди.

Мен аччиқланиб туриб кетмоқчи бўлдим. Шу пайт Ғафур ака ўтирганлардан сўради:

— Бунга айтинглар мени лақабим нима?

Собир Абдуллами биров, «Жинни-да» деди кулиб. Ғафур ака суюниб кетди.

— Ана, эшитдингми, Ҳузурий, лақабим жинни! Одам деган жиннидан ҳам хафа бўладими? Узримни қабул эт...

У сакраб турди, мени бағрига босиб, қайта-қайта кечирим сўради. Хонадонимни суриштирди. Яқинда ўғил кўрганлигимни айтдим. Ғафур ака, «Унда ўғилнинг исми Қутлуғбек бўлсин», деб фотиҳа қилди.

Ўша Қутлуғбек, мана қирқ иккига чиқди. Ғафур Ғулом бағри кенг шоир эди.

* * *

Радиокомитетда ишлар эдим. Бир куни сигарет тутатиб, ишга кўмилиб ўтирсам, эшик зарб билан очилди. Бўсағада девдай бўлиб Ғафур ака турарди. Шошганимдан беихтиёр туриб кетдим.

Ғафур ака устимга бостириб келди.

— Чакишдан ол! — деди пўписа қилгандек.

— Домла, бу сизга... тўғри келармикан... бу, ҳалиги... арзонидан эди...

— Нима, Ғафур Ғулом одам эмасми?! Олавур, сомон бўлсаям, бўлади!

Қўлим титраб, «Прима»дан тутдим. Ғафур ака лабига сигарет қистирди. Гугурт чақдим.

— Ҳув, бола, бурнимга хушёр бўл. Халқ шоирига бурун ҳам керак бўлади! — деди Ғафур ака. Сал ўзимга келдим. У чўрт бурилдию, чиқа бошлади. Эшикка борганда ўгирилди. Бир кўзини қисиб муғомбирона кулди:

— Омадинг бор экан, бир куни Ғафур Ғуломга папирос чектирганман, деб мақтаниб юрадиган бўлдинг, бола...

Мана, Ғафур аканинг башорати рост келди.

**С. ҚАРНОҚЛИ**









**Бу суратлар 33 йил муқаддам — 1963 йил 10 май куни юртимизнинг асл фарзанди —аллома санъаткор Ғафур Ғулом 60 ёшга тўлган тантанали тўй куни олинган.**

**Халқимиз нодир истеъдод фарзандларини ардоқлайди, қадрлайди.**

**Тўй кунларидаги баъзи фактлар акс эттирилган ана шу фотолар халқ эъзозининг рамзидек туюлади. Буюк устозлар асрлар оша янги адабиётимизнинг забардаст вакили, муносиб ворисларини қутлагани келгандек.**

**Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломни устозлар Алишер Навоий (халқ артисти Насим Ҳошимов, Навоий номидаги опера ва балет театридан), Муҳаммадамин Муқимий (халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Муқимий номидаги музикали театрдан), Ҳамза Ҳакимзода (Олим Хўжаев, Ҳамза номидаги академик театрдан), Максим Горкий (Юрий Рубан, М.Горкий номидаги рус драма театридан) табрикламоқдалар.**

**Суратларни бизга шоирнинг қадрдон дўсти, отахон фотожурналист Неъматилла Аъзамов тақдим этди.**

# СОҲИБИ ДЕВОН ТЕМУРИЙЗОДА

***Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Эргаш Умаров АҚШга қилган илмий сафари чоғида XV-XVI асрлар ўзбек адабиётига оид бир неча муҳим манбалардан нусхалар олишга муваффақ бўлди. Навоий номидаги Адабиёт институтига лутфан тақдим этилган бу қимматли ёдгорликлар орасида темурийзода Султон Масъуд Мирзо Шоҳийнинг девони қўлёзмасининг фотонусхаси алоҳида диққатга сазовор.***

Масъуд Мирзо Шоҳий ҳақидаги илк маълумотлар мутахассисларга филология фанлари кандидати Х. Исматуллаевнинг 1972 йили «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида (4-сон) босилган ахборотидан маълум эди. Муаллиф унда америкалик турколог Янош Экманнинг «Турк дили қуруму» томонидан Туркияда нашр этиладиган «Турк дили араштирмалари йиллиги» номли тўпламда (1970) эълон этилган «Билинмаян бир чағатой шоири Шоҳий ва девони» мақоласи мазмунидан хабар беради. (Бизга маълум бўлишича, Я. Экманн Туркияда эълон қилган бу мақоладан бир йил олдин «Central Asiatic Journal» нашрида ўз кашфиёти ҳақида инглиз тилида ахборот эълон қилган ҳамда Шоҳийнинг девонидан 25 ғазал ва 4 рубоийни инглиз тилига сўзма-сўз таржимаси билан илова этган).

Я. Экманн ҳар икки мақолада, 1966 йил ёзида Лондондаги «Индиа Оффис» кутубхонасида сақланаётган чағатойча қўлёзмалар билан танишар экан, илм аҳлига номаълум бўлган Шоҳий тахаллусли шоирнинг туркий девонини учратганини, девоннинг 1157 ҳижрий — 1745 мелодий йили Миён Оқибат Маҳмуд исмли киши учун Абдулкарим котиб ҳамда 1190 ҳижрий — 1776 мелодий йили Баламгада рожаси Ачит Санг Баҳодур учун кўчирилган ва айрим жузъий фарқлар инобатга олинмаса, бир-бирига тўла мувофиқ икки нусхаси мавжудлигини маълум қилади.

Я. Экманн Ҳиндистонда кўчирилган ҳар иккала қўлёзма мундарижасига кўра бир хил эканлигини таъкидлаб, қатор белгиларига кўра, уларнинг иккинчиси биринчисидан айнан кўчирилган, деган хулосага келган. Аммо иккинчи қўлёзма, муаллифнинг маълумотига кўра, ўзбек адабиётининг Ҳусайний (Султон Ҳусайн Бойқаро) ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби йирик намояндаларининг девонлари билан кетма-кет кўчирилган ва бир муқовада китобат қилинган.

Я. Экманн девон муаллифи Шоҳийнинг кимлиги ва қачон яшаганлиги масаласига алоҳида тўхталиб, жуда қимматли фактларни келтиради. У девон қўлёзмалари сақланувчи кутубхонанинг расмий қайд дафтаридаги «Шоҳий — Эрон шоири Амир Шоҳий Сабзаворийдир», деган маълумотнинг хато эканлигини аниқлайди. Муаллиф Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» ва Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираларида Амир Шоҳий Сабзаворий ҳақидаги ишончли маълумотларда унинг ўзбекча (чағатойча) шеърлар ҳам ёзганлиги ва туркий девон тартиб берганлиги ҳақида бирор-бир сўз айтилмаганлигини, Бобурнинг эса арузга бағишланган рисоласида Амир Шоҳий ижодидан намуна келтирилган байтларнинг барчаси, беистисно, форсча эканлигини таъкидлаб, «Шоҳий тахаллуси ила чағатойча шеърлар ёзган бошқа бир киши» бўлган, деган мантиқий хулосага келиб, изланишларни давом эттиради. Натижада, Я.Экманн Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини форсчага «Латоифнома» номи остида таржима қилган Фахрий Ҳиравий асаридан ўзи кашф эттан ижодкор ҳақида аниқ маълумотлар топишга муваффақ бўлади. Гап шундаки, Фахрий Ҳиравий тазкира таржимасига 188 ижодкор ва адабиётсеварлар ҳақида ўзи тўплаган фактларни илова қилган. Иловада, жумладан, Султон Масъуд Мирзо ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилган бўлиб, унинг Я. Экманн таъбирича, «бир чағатойча ва бир форсча девонлар тартиб берган»лиги, «чағатойча девонида Шоҳий ва форсча девонида эса Орифий тахаллусларини қўллаган»лиги аниқ таъкидланган.

Я. Экманн тўғри уқтирганидек, Фахрий Ҳиравий «Мажолис ун-нафоис»нинг 896 ҳижрий (1490-1491 мелодий) йили якунланган илк редакциясини таржима қилган эди. Бу даврда ижодкор сифатида адабиёт саҳнасига ҳали чиқмаган Масъуд Мирзо, табиийки, тазкирадан ўрин олмаган. Аммо Алишер Навоий орадан етти йил ўтгач, ўз тазкирасининг иккинчи, узил-кесил редакциясига шеъриятга кейинчалик кириб келган юзга яқин ижодкорни қўшади, уларнинг ҳар бирига ўз муносабатини билдириб, ёзганларидан намуналар келтиради.

Навоий тазкиранинг Амир Темур ва ижодкор темурийзодаларга бағишланган еттинчи мажлисига худди шу Масъуд Мирзо номини ҳам киритиб, унга махсус ўрин ажратади ҳамда унинг инсон сифатида юксак фазилатлар соҳиби эканлигини ёзади:

«Султон Масъуд Мирзо — равшан зеҳнлик ва мустаҳсан табълиқ ва покиза ҳисол ва маҳмуд фаол йигитдур. Вафо ва дилжўйлик анинг шиори, сахо ва дарвешхўйлуқ анинг атвори».

Навоий бу темурийзоданинг шоирлик истеъдодига юксак баҳо бериб, ижодидан қуйидаги байтни келтиради:

*Ёр бориб жонға қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,*
*Кўнглума кор этмасунму дарди ғурбат, эй рафиқ.*

Тўғри, Навоий Султон Масъуд Мирзонинг адабий тахаллусларини кўрсатмайди, унинг форсий шеърияти ҳақида эса умуман сўз очмайди. Аммо Навоий намуна сифатида келтирган юқоридаги байт Я.Экманн кашф этган Шоҳий тахаллусли ижодкорнинг Масъуд Мирзо эканлигига аниқ гувоҳлик беради. Гап шундаки, Я. Экманн мақолаларида қайд этганидек, келтирилган байт Шоҳий девонидаги етти байтли ғазалнинг илк мисраларидир. (Я. Экманн ҳар икки мақоласига Шоҳий ижодидан бошқа намуналар қаторида шу ғазални ҳам илова этган). Демак, Шоҳий Фахрий Ҳиравий таъкидига кўра ҳам, Навоий гувоҳлигига кўра ҳам Масъуд Мирзонинг ўзбек (чағатойча) ғазалларида қўллаган адабий тахаллусидир.

Хўш, Масъуд Мирзонинг ўзи ким?

Алишер Навоий унинг номига «Султон» сўзини қўшиб, тазкиранинг темурийзодаларга махсус бағишланган мажлисига киритиши бежиз эмас. Султон Масъуд Мирзо буюк соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи бўғин авлоди, яъни соҳибқироннинг ўғли Мироншоҳ Мирзонинг набираси бўлмиш Султон Абу Саид Мирзонинг набирасидир. У Султон Абу Саид Мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд Мирзо оиласида 1475 йили дунёга келади. Онаси Мир Бузург Тирмизийнинг Хонзода номли қизи бўлган. Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Мирзо, Султон Али Мирзо ва Султон Вайс Мирзолар Масъуд Мирзонинг укалари бўлишган. Отаси Султон Маҳмуд Мирзо катта ўғли Масъуд Мирзога Ҳисор ҳокимлигини ажратган. 1495 йили у отаси ўлганидан кейин Самарқанд тахти учун даъвогарлик қилади, укаси Бойсунғурга қарши отланади, аммо Ҳисорга қайтишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай эса Ҳисорни ҳам қўлдан чиқариб, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига боради. Яна сиёсий режалар билан Мавороуннаҳрга қайтган Масъуд Мирзони Хусравшоҳ қўлга тушириб, кўзларига мил торттиради. Ҳусайн Бойқаро, шундан сўнг қошига қайтиб келган Масъуд Мирзога лутфу эҳтиромлар кўрсатади, қизларидан бирини никоҳлаб бериб, ўзига куёв қилади.

Масъуд Мирзо 1506 йили Шайбонийларнинг Хуросонга юришлари вақтида ўлдирилган. «Бобурнома» маълумотларига кўра унинг қабри Ғазнада.

Унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳақида зикр этилган манбалардан ташқари, «Ҳабиб ус-сияр», «Равзат ус-салотин» каби тарихий асарларда ҳам кўпгина маълумотлар бор.

Султон Масъуд Мирзо ва унинг оиласи тўғрисида, хусусан, «Бобурнома»да анча-мунча ўрин ажратилган. Бобурнинг у билан амакивачча эканлигини, ҳатто унинг сингилларидан бирига уйланганлигини назарга олсак ҳамда Султон Маҳмуд Мирзонинг хотинларидан бири Бобурнинг холаси бўлганлигини эсласак, бундай муносабатнинг табиий эканлиги равшанлашади. Масъуд Мирзо Шоҳий ва унинг оиласи билан яқин мулоқотда бўлган Бобур ўз хотираларида унинг ҳаёти, амалий-ижтимоий фаолияти, шахсиятининг етакчи белгилари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар беради ва ҳар доим у ҳақда хайрихоҳлик руҳида ёзади. Бу жиҳатдан, Масъуд Мирзонинг ёшлигида атқалик (отабеклик) қилган, кейинчалик эса унинг кўзига мил торттирган Хусравшоҳ ҳақидаги қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: «...тийра ва фосиқ эди, бераҳм ва бевафо ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи усturғон валинеъматзодасини кўр қилди. ...Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Бу ўтар дунё учун мундоқ ямон ишлар қилди» («Бобурнома»дан).

Тўғри, «Бобурнома»да Султон Масъуд Мирзонинг шоирлиги ҳақида, унинг икки тахаллус остида туркий ва форсий шеърлар ёзганлиги ҳамда девонлар тартиб берганлиги тўғрисида бирор маълумот учрамайди. Аммо бундан Бобур амакиваччасининг ижодий фаолиятидан батамом бехабар бўлган, деган хулосага келмаслик керак. Гап шундаки, биз Бобурнинг аруз назарияси ва амалиётига бағишланган илмий асарида Султон Масъуд Мирзо ижодидан ҳам намуналар келтирилганини аниқладик. «Рисолаи аруз»да отаси Султон Маҳмуд Мирзо ва укалари Султон Бойсунғур Мирзо ҳамда Султон Али Мирзо ижодларидан намуналар билан ёнма-ён Шоҳийнинг ҳам икки ғазали матлаи рамал баҳрининг «авалғи вазни»га яхши мисол сифатида тилга олинади.

Темурийзода ижодкорлар меросларига мурожаат этиб, шеърларидан мисоллар келтирар экан, Бобур ҳам, худди Навоий каби, умуман, уларнинг адабий тахаллусларини кўрсатмайди, фақат Султон Ҳусайн Мирзо, Султон Бойсунғур Мирзо... каби расмий унвон ва номларнигина зикр этиш билан чекланади. Бобур Султон Масъуд Мирзо қаламига мансуб деб келтирган биринчи байт қуйидагидир:

*Жаннат ул-маъвоки, дерлар ёрнинг кўйи эмиш,*
*Тўбийким, васф этарлар қадди дилжўйи эмиш.*

Бу мисралар Я. Экманн кашф этган девоннинг ҳар иккала нусхасида мавжуд беш байтли ғазалнинг матлаъ байти эканлиги Султон Масъуд Мирзонинг Шоҳий тахаллусида ижод қилганига ҳамда Бобур айнан унинг шеъриятидан мисол келтираётганига шубҳа қолдирмайди. Тўғри, Султон Масъуд Мирзо номи остида «Рисолаи аруз»да келтирилган мана бу иккинчи байт:

*Дер эдимким, бўлмағай беёр равшан кўзларим,*
*Мен дегандек, оҳким, бўлди муайян кўзларим* —

сўз бораётган девон нусхаларида йўқ. Бу тушунарли ҳол. Гап шундаки, Я. Экманн топган девоннинг ҳар иккала нусхаси ҳам мукаммал эмас. Фақат йигирма ҳарфга битилган ғазаллардангина ташкил топган бўлиб, уларда бир қатор ҳарфларга, жумладан, энг самарадор «мим» ҳарфига ёзилган ғазаллардан намуналар умуман ўрин олмаган. «Рисолаи аруз»да Бобур келтирган юқоридаги байт Шоҳийнинг аслида бу ҳарфларда ҳам ғазаллар ёзганлигини кўрсатади ҳамда изланишларни давом эттиришга даъват этади.

Девонларнинг мукаммал эмаслигини, Шоҳийнинг эса аслида салмоқдор ижодий мерос яратганлигини тасдиқловчи яна бир далилни Я. Экманн юқорида зикр этилган мақолаларида келтиради. Унинг ёзишича, Фахрий Ҳиравийнинг Британия Музейида сақланаётган «Латофатнома» қўлёзмаси нусхасида Шоҳий девонларида бўлмаган бошқа бир ғазалнинг қуйидаги матлаъ байти келтирилган:

*Фироқингдин ўлар ҳолатда чеҳрам заъфаронийдур,*
*Назар ҳолимға қилким, боғи умрумнинг хазонидур.*

Шоҳийнинг Орифий тахаллуси билан ёзилган асарлари ҳақида батафсил сўз юритишга ожизмиз: унинг форсий девони ҳақида бирор маълумотга эга эмасмиз. Фақат Фахрий Ҳиравийнинг «Латофатнома» тазкирасидаги Шоҳийга бағишланган сўзда «Бу рубоийни амир Хусравшоҳ унинг кўзларига наштар урганидан кейин айтган» деган изоҳ-шарҳи билан тўрт мисра форсий шеъри келтирилади. «Рисолаи аруз»да эса Бобур Орифий тахаллусли шоирга тааллуқли бир байт келтиради, аммо унинг Султон Масъуд Мирзо Орифий эканлигини тасдиқловчи далилга эга эмасмиз.

Шоҳий девонининг аниқланган қўлёзма нусхалари фақат тўрт лирик жанрда — ғазал, таржиъбанд, рубоий ва фардларда битилган асарларни ўзида жамлайди. Я. Экманн мақолаларида ва улар асосида Х.Исматуллаев эълон қилган ахборотда айтилганидек, уларда 152 ғазал эмас, балки 153 ғазал, тўққиз банддан иборат таржиъбанд, 37 рубоий ва 18 муфрадот (мустақил фардлар) ўрин олган. Ҳар банд якунида:

*Васлингни қилиб замон-замон ёд,*
*Ҳажрингда қилай фиғону фарёд* —

байти такрорланувчи таржеъбандда банд байтларининг сони турлича эканлиги (10, 8, 12, 9 ва ҳоказо) матннинг мукаммал эмаслигини кўрсатади. Девон нусхаларидаги барча шеър турларидаги байтларнинг умумий сони 1150 га яқин.

Шоҳий девони мундарижаси билан танишиш, унинг Алишер Навоий тазкирасида қайд этганидек, «равшан зеҳнлик ва мустаҳсан (мақтовга сазовор, гўзал — А. А.) табълиқ» ижодкор бўлганлигини, ҳар жиҳатдан мукаммал лирик шеърларида инсоний кечинмаларни нозик ибораларда ифодалаб, юксак бадиий маҳоратни намойиш этганидан аниқ гувоҳлик беради. Унинг ғазал ва рубоийларида, хусусан, таржеъбандида шахсий ҳаёти лавҳалари ҳам бадиий ифодасини топган. Масъуд Мирзо Шоҳий шеърияти ўз даврида катта шуҳрат қозонган, мухлислар дилидан мустаҳкам ўрин олган, адабий йиғинларда ўқилган. Номининг ижодкор сифатида Навоий ва Фахрий Ҳиравий тазкираларига киритилиши, Бобурнинг арузга бағишланган рисоласида ижодидан мисоллар келтирилиши унинг шуҳрати ва тан олинишининг далилидир.

Матбуотимизда ҳали Шоҳийнинг асарлари чоп этилмаган. Я. Экманннинг Туркияда босилган мақоласига илова этилган намуналар асосида Х. Исматуллаев Шоҳийнинг фақат беш ғазал ва тўрт рубоийсини зикр этилган ахборотига қўшиб эълон қилган, холос. Афсуски, матнларни ўқишда Я.Экманн йўл қўйган нуқсонлар буларда ҳам айнан такрорланган.

Қуйида Шоҳий девонидан олинган намуналар ўқувчиларимиз диққатига биринчи бор ҳавола этилаётир.

**Абдурашид АБДУҒАФУРОВ**

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

## ҒАЗАЛЛАР

**1. То зуҳур этти жамоли оламароси анинг,**
**Тушди бошим узро савдою таманноси анинг.**

**2. Ул пари ишқини бу янглиғким, эттим ихтиёр,**
**Оқибат айлар мени девона савдоси анинг.**

**3. Гар Масиҳо элга жон берди дуо бирла, вале,**
**Жон берур мен хастаға жонбахш анфоси анинг.**

**4. Бўстони ҳусн аро шамшоду сарв ўлғай хижил,**
**Ноз илон кўргузса жилва қадди раъноси анинг.**

**5. Чун кўрарсен гаҳ-гаҳе, эй кўз, маҳи рухсорини,**
**Кўрганингда тўйғуча қилғил тамошоси анинг.**

**6. Асрай олмай дардини, гар зоҳир этсам ҳам ёмон,**
**Ваҳки, муҳлик келди изҳоридин ихфоси анинг.**

**7. Кўнглум олди ноз ила сабру хирад тарож этиб,**
**Шоҳиё, жон кишварини бузди яғмоси анинг.**

* * *

**1. Ёд ким қилғай мени, гар, сен мени ёд этмасанг?**
**Шод ким қилғай ҳазин кўнглумни, сен шод этмасанг?**

**2. Ҳажр аро юз қўйди вайронлиқ сари кўнглум уйи,**
**Оҳ, агар сен васл бунёдидин обод этмасанг!**

**3. Баҳра топқаймен висолинг мазраъидин, эй кўнгул,**
**Ҳажринг ила гар ҳазин умрумни барбод этмасанг.**

**4. Ишқ аро маҳзун кўнгулга еткай эрди шодлик,**
**Ҳар замон ғам тарҳини кўнглумга бунёд этмасанг.**

**5. Ҳусн аҳли бўлғай эрдиларму ҳаргиз бевафо,**
**Гар аларга сен вафосизлиғни иршод этмасанг.**

**6. Меҳрибоне йўқ, кўнгул дардим анга шарҳ эткали,**
**Пас, қачон фаҳм айлагай ҳолимни фарёд этмасанг?!**

**7. Ҳар неча Ҳусрав эсанг, раҳм этмас ул Ширин забон,**
**Гар ўзунгни, Шоҳиё, ишқ ичра Фарҳод этмасанг.**

## РУБОИЙЛАР

**Эй, боди сабо, сўзумни жононима де!**
**Ҳолимни бориб ул гули хандонима де!**
**Тақсирки, бўлди қуллуғумда, зинҳор,**
**Ҳосилки, они шарҳ ила султонима де!**

* * *

**Йўқ ишқ аро волаю шайдо мендек,**
**Ошиқ бўлуб шифтаю расво мендек,**
**Зулфунг ғамидин асиру савдо мендек,**
**Ҳар кимки, бор эрса йўқтур, аммо мендек!**

* * *

**Ношод кўнгулни айладим ношод яна,**
**Даврон висолингни қилиб ёд яна.**
**Ёрабки, фироқинг уйи вайрон бўлғай,**
**Васл уйи бўлуб ҳамиша обод яна.**

## ФАРДЛАР

**Дўстлар, бизни унутмай нома бирла ёд этинг,**
**Хотири ношодимизни гоҳ-гоҳи шод этинг!**

* * *

**Оразингни кўргали мойил бўлубтур жон санга,**
**Ошкоро сўзлайин, йўқтурур пинҳон, санга.**

* * *

**Ғунча янглиғ васл нахлидин кўнгул уздунг яна,**
**Ҳажр уйин обод этиб, васл уйин буздунг яна.**

* * *

**Кўнглум олурда ажойиб дилраболиғ айладинг,**
**Эмдиким, кўнглумни олдинг — бевафолиғ айладинг.**

* * *

**Ҳажр аро дардинг била чектим, басе, дилдорлиқ,**
**Сўрмадинг бир дам мени, мундоқ бўлурму ёрлиқ!**

* * *

**Эй сабо, тушса гузоринг сарвинозим олида,**
**Дегасен кўнглум ниёзин дилнавозим олида.**

# ТАЛАБА РОМАН ЁЗДИ

Яқинда Самарқанд шаҳридаги «Шалола» ёш ижодкорлар клубида СамДУ талабаси Уйғун Рузиевнинг «Атиргул» номли романи муҳокамаси бўлди. Муҳокама қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

Профессорлар Сайдулла Мирзаев, Исроил Мирзаев, Ҳотам Умуровлар романнинг ютуқ ва камчиликлари, мавзуи, тили, жанр хусусияти, рамзлар талқини хусусида фикр юритдилар, таклиф ва истакларини ўртага ташладилар.

Роман муҳокамасида қатнашган университет талабалари Нодир Жонузоқ, Мусурмон Элмуродов, Ориф Тўхташевлар ҳам «Атиргул» романининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида самимий сўзладилар. Ўзларига тенгқур бўлган ва ёш муаллифни янги катта асари билан табрикладилар.

Шавкат СОРИЕВ

